Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

18 октябрь, шанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 214 (1731)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 октябрь куни Россиянинг «Известия» газетаси таҳририяти» ҳиссадорлик жамияти президенти Дмитрий Мурзин раҳбарлигидаги «Известия» газетаси мухбирларини қабул қилди.

-- Илгари Ўрта Осиё деб аталган ва айни вақтда Марказий Осиё деб юритилаётган ҳудудда сўнгги йилларда жуда кўп ўзгаришлар юз бермоқда,-- деди Ислом Каримов учрашувда.-- Қизиғи шундаки, мазкур ўзгаришлар Марказий Осиёда ва ундан хорижда турлича муносабат уйғотмоқда. Бу ерда кечаётган воқеаларни чет элда ўз манфаатларига мослаб талқин қилаётган айрим сиёсий гуруҳлар ҳам йўқ эмас. Айтмоқчиманки, Марказий Осиё ўзининг жуғрофий жойлашуви ҳамда бу ҳудудда яшовчи инсонларнинг этник таркиби билан ўта мураккаб минтақадир. Шу боис, ушбу минтақада кечаётган воқеаларга изоҳ беришда ўта эҳтиёткорлик ва ҳушёрлик талаб қилинади.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистоннинг тақдири бу минтақадаги воқеалар билан бевосита боғлиқлигини қайд этиб, мазкур журналистларнинг мамлакатимизга келиши Россия жамоатчилигининг юртимиздаги жараёнларни тўғри тасаввур қилиши ва шунга асосланган ҳолда хулоса чиқариши учун қулай имкон яратажагини таъкидлади.

Қабул чоғида мамлакатимиз раҳбари россиялик журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтарди.

Қабул маросимида Президентнинг матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст иштирок этди.

(ЎзА)

СУРАТДА: қабул пайти А. ТЎРАЕВ олган сурат

● *ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА*

Олий Мажлиснинг IX сессияси бўлиб ўтганига бир ойдан зиёд вақт ўтди. Ана шу муддат давомида қўмиталар қандай ишларни амалга оширишга улгурди? Биз мазкур савол билан Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари Иброҳимжон Юсуповга мурожаат қилдик.

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Унинг айтишича, ўтган муддат давомида қўмитада талай ишлар амалга оширилган. Жумладан «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритилиши мўлжалланмоқда. Айни пайтда мазкур қонун устида ишчи гуруҳи иш олиб бораяпти.

Маълумки «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонун 1991 йил, мустақилликдан олдин қабул қилинган эди. 1992 йилда унга айрим қўшимча ва ўзгартишлар киритилганди. Бугунги давр мазкур қонунни яна бир бор қайтадан кўриб чиқишни тақозо қилмоқда. Чунки мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан алоқалари ривожланиб боргани сайин ташқи иқтисодий фаолиятнинг янгиданянги қирралари намоён бўлаяпти.

Қўмитада бундан ташқари «Туризм тўғрисида»ги янги қонун лойиҳаси тайёрланмоқда. Буни ҳам бугунги даврнинг эҳтиёжи деб аташ мумкин. Чунки юртимиз жаҳон ва умумбашарият цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, тарихий ёдгорликларга бой ҳудудлардан бири ҳисобланади. Бу эса ташқи алоқаларимиз кенгайиб боргани сайин сайёҳларни бундан-да кўпроқ қизиқтириши, ўзига жалб қилиши шубҳасиздир. Шу боис туризм соҳасининг ҳуқуқий томонларини ҳам ҳужжатлаштириш лозим бўлади. Янги қонун ана шу жиҳатлари билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, қўмита режасига мувофиқ яқин кунлар ичида «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонуннинг айрим вилоятлардаги ижросини ҳам назорат ва таҳлил қилиш мўлжалланмоқда.

И. ХУДОЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган «Бритиш Американ Табакко» («БАТ») корпорацияси раиси Улрих Хертер раҳбарлигидаги делегация аъзолари 17 октябрь куни Бош вазир Ўткир Султонов билан учрашди.

Бош вазир мамлакатимизнинг «БАТ» корпорацияси билан ҳамкорлиги тобора ривожланиб, йил сайин янгиданянги самара бераётганини мамнуният билан қайд этди. Бу борада ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликда олиб борилаётган ишлар кўлами келгусида янада кенгаяжагига ишонч билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан «БАТ» корпорацияси ўртасидаги ҳамкорлик кўламини кенгайтириш, хусусан, юртимизда ишлаб чиқарилаётган тамаки маҳсулотларини экспортга чиқаришни йўлга қўйиш, бошқа соҳалар бўйича ҳам мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда Бош вазир ўринбосари М. Усмонов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА)

«ЎЗДУНРОБИТА» ОЛТИ ЁШДА

Аввал хабар берганимиздек, уяли телефон алоқа хизматини йўлга қўйган «Ўздунробита» Ўзбек-Америка қўшма корхонаси айни шу октябрь ойи кунларида ташкил этилганига 6, Ўзбекистон бозорида тижорат хизматини йўлга қўйганига 5 йил тўлганлигини нишонлади. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Журналистларнинг компания фаолияти ва истиқболи тўғрисидаги саволларига қўшма корхона бошқаруви раиси Дадли Б. Кристи (АҚШ), Бош директор Ю. Снежков, МДҲ давлатларида AMPS андозалари билан боғлаб турувчи «Ассоциация 800» бошлиғи В. Манямин, «Нортел» корпорацияси вице-президенти Глен Блад ҳамда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялари Агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари В. Штейнберглар жавоб беришди.

Маросимга йиғилганларни Бош вазирнинг ўринбосари, Давлат мулки қўмитаси раиси Виктор Чжен илиқ табрик билан қутлади.

ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАРДА ЎТАДИГАН ИЛМИЙ АНЖУМАНЛАР

Қадимий Туроннинг икки улуғвор ва муқаддас шаҳри Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик юбилейи жаҳон миқёсидаги улкан маданий воқеа бўлибгина қолмай, илм-фан тараққиётида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Байрам тантаналари кунларида бу икки шаҳарда учта йирик халқаро илмий тадбир ҳам ўтказилади.

Бухорода «Инсониятнинг илмий ва маданий мероси - учинчи минг йилликка» мавзуида халқаро симпозиум ҳамда «Бухоро ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзуида халқаро конференция, Хивада эса «Хива ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзуида халқаро конференция бўлади. ЎзА мухбири Ўзбекистон Фанлар Академиясининг вице-президенти Абдулаҳад Муҳаммаджоновдан бу анжуманларнинг мавзуси, унда муҳокама этиладиган турли масалалар хусусида гапириб беришни илтимос қилди.

-- Бундан икки ярим йил муқаддам Турон заминида Бухоро ва Хива сингари шаҳарларнинг пайдо бўлиши ҳамда бу ерда маданиятнинг тараққий этиши қадимий Шарқ тарихидагина эмас, бутун инсоният тараққиётида ўта ноёб ҳодиса ҳисобланади. Иккала шаҳарнинг ҳам Буюк Ипак йўлида жойлашгани инсон заковатининг янада равнақ топишига кўмаклашган бўлиши шубҳасиз. Чунки бу шаҳарларда турли тиллар, маданиятлар ва динлар ўзаро мулоқотга киришган. Инсон заковати парвозининг маркази бўлган бу масканлар жаҳонга буюк олим ва мутафаккирларни етказиб берди. Мисол учун, Имом ал-Бухорий ҳадис илмига асос солган бўлса, Абу Али ибн Синонинг мислсиз «Тиб қонунлари» жаҳон аҳли учун тиббиёт қомуси ҳисобланади. «Алгебра», «Алгоритм» иборалари бу фан асосчиси ал-Хоразмий номидан келиб чиққани барчамизга маълум. Бу шаҳарларда яшаб, ижод этган буюк алломалар Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Райҳон Беруний, Нажмиддин Кубро, Абдулғозий Баҳодирхон сингари жуда кўп аждодларимизнинг дин, илм-фан, маданият тараққиётига қўшган ҳиссаси бебаҳодир.

Шунинг учун ҳам Бухоро ва Хиванинг юбилейига бағишланган бўлажак илмий анжуманлар муҳим аҳамият касб этади. Уларда жаҳоннинг 40 та мамлакатидан 110 нафар етук олим -археологлар, тарихчилар, шарқшунослар, табиий ва аниқ фанлар намояндалари қатнашади. Чунки бу иккала шаҳарда ҳам илм-фан ва маданиятнинг барча соҳасида мислсиз мактаблар яратилган.

Маърузачилар орасида ҳаётини бизнинг буюк аждодларимизмеросини, Туронзаминнинг қадим маданияти жаҳоннинг бошқа гўшаларига қай даражада таъсир кўрсатганини ўрганишга бағишлаган йирик олимлар бор. Мисол учун, машҳур америкалик олим Ричард Фрай Х асрда яшаб ўтган Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китоби ҳақида, эронлик олим Абдурасул Ҳайрондеш Бухоро ва Хиванинг жаҳондаги савдо муносабатлари тарихида тутган ўрни, француз Филипп Барбье ўтган асрларда Бухорони сув билан таъминлаш муаммолари қандай ҳал этилгани тўғрисида маъруза қилишади. Кореялик олим Чун Ин Пенг бундан 15 аср муқаддам Марказий Осиёнинг Хоразм мусиқа санъати тимсолида Кореяга ўтказган таъсири, ҳинд олими Мансур Ҳайдар эса Хиванинг ўрта асрлардаги маданий ҳаёти ҳақида сўзлаб беришади.

Бу иккала шаҳарнинг 25 асрлик тарихи билан республикамиз Фанлар Академияси нашр этган бир қанча китоблар орқали янада батафсилроқ танишиш мумкин. Байрамга атаб олимларимизнинг Туронзаминнинг қадимий тарихини ўрганиш соҳасида эришган ютуқларини намойиш этувчи чиройли альбомлар, буклетлар нашр этилди. Улар орасида, айниқса, ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилган «Бухоро -- Шарқ жавоҳири», «Хива -- гумбазлар шаҳри» альбомлари, шунингдек, бу шаҳарларга бағишлаб француз тилида нашр этилган альбом кўпчиликка маъқул бўлиши шубҳасиз.

Бу икки қадимий шаҳар тўйига келган олимлар байрам тантаналарида ҳам қатнашади, албатта. Улар жаҳон маданияти марказларидан бўлмиш бу икки шаҳар, айниқса, кейинги пайтда --мустақиллик туфайли қай даражада ўзгарганини ўз кўзлари билан кўради. Байрамга тайёргарлик жараёнида улкан таъмирлаш ишлари бажарилиб, деярли барча меъморий ёдгорликлар асл ҳолига қайтарилди. Ободонлаштириш бўйича амалга оширилган ишлари ҳам диққатга сазовор. Бугунги кунда Бухоро билан Хива ҳақиқий тўйхона қиёфасини касб этган.

Бухоро ва Хивадаги учрашувлар турли мамлакатлар олимларига бир-бири билан тажриба ва тадқиқотлар давомида қўлга киритилган қимматбаҳо ахборотларни айрбош қилиш имконини беради. Бу анжуманлар мобайнида юзага келган янги алоқалар қадим Туронзамин тарихини янада чуқурроқ ўрганиш борасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Иккала қадимий шаҳар юбилейининг бу қадар юксак, халқаро даражада нишонланиши Ўзбекистон олти йил муқаддам эришган мустақилликнинг яна бир ёрқин намойишидир. Жамиятимизда тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири -- маънавиятни ривожлантириш, деб белгиланган, республика раҳбарияти аждодларимиз, ўз юрти шарафини асрлар оша тарқата олган Туронзаминнинг буюк мутафаккирлари меросига катта эҳтиром билан қараётгани туфайлигина мана шундай анжуманларни ўтказиш шарафига муяссар бўлиб турибмиз.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

МАЪРИФИЙ ДУНЁ ЭЪТИРОФИ

Дунёнинг қадимий ва навқирон Бухорога эътибори янада кучайди. 1996 йилнинг 21--22 февраль кунлари Бухорода «Ипак йўлини тиклаш: Ўзбекистонда маърифий туризмни ривожлантириш ва маданий меросни эъзозлаш» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари Томас Келлер бухороликларга Бухорои шариф жаҳон муҳофазасида турувчи саноқли шаҳарлар рўйхатига киритилганлиги тўғрисидаги Сертификатни топширган эди. Ўтган йили Бухорои шариф Оғахон номидаги халқаро мукофотга сазовор бўлди.



Юбилей баҳонасида бу ерда бошланган мисли кўрилмаган даражада бунёдкорлик ишлари мўйсафид шаҳар қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. «Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири Сафар Аҳмедов Бухоро шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Карим Камолов билан ана шу ҳақда суҳбатлашди.

-- Карим Жамолович, Бухоронинг 2500 йиллик юбилейига саноқли кунлар қолди. Халқаро миқёсда ўтказиладиган катта маракага кўрилаётган ҳозирлик тўғрисида сўз юритсангиз?

-- Бухорони жаҳон хазинасининг жавоҳири деб эъзозлашади. Хусусан, мустақиллик туфайли унга қизиқиш, аждодларимиз ақл-заковатининг юксак чўққиси ҳисобланган мўъжизакор осори- атиқаларни таъмирлаш, уларни асл ҳолига келтириш саъй-ҳаракатлари қизғин бошлаб юборилди.

Ҳар бир ишнинг ташаббускорлари бўлишади, албатта. Президентимиз Ислом Каримовни Бухорои шариф янгиланишининг бош меъмори, дейиш мумкин. Чунки у киши етти иқлимга манзуру машҳур Масжиди Калон, Арк, Лаби ҳовуз, Ситораи Моҳи-Хосса ансамбларини таъмирлаш учун маблағни аямаслик, юбилейни жаҳон андозаларига мос қилиб ўтказишга даъват этдилар.

Айниқса, Бухоронинг 2500 йиллиги муносабати билан ЮНЕСКО, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари чиқиши, юбилей комиссиясининг ташкил этилиши бухороликларни ғоятда руҳлантириб юборди. Шаҳарда кенг миқёсли ишлар бошланиб, у чинакамига улкан қурилиш майдонига айланди.

Таъмирлаш ишларининг кўламлари ҳисобга олиниб, республика раҳбарияти томонидан амалий ёрдам кўрсатилди. Қадимий обидаларни таъмирлаш ишларида бухоролик усталар билан бир қаторда Тошкент, Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз, Навоий, Жиззах вилоятларидан ҳам 250 дан ортиқ усталар иштирок этдилар. Умуман, меъморчилик обидаларини асл ҳолига келтиришдек хайрли ишларда 700 га яқин ишчилар қатнашди.

-- Минорai Калон мажмуида жойлашган Масжиди Калонни таъмирлаш тўғрисида алоҳида қарор қабул қилинган экан...

-- Дарвоқе, республика Вазирлар Маҳкамаси юбилей муносабати билан Масжиди Калон таъминоти, давлат ва жамоат арбоби Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллиги, машҳур ёзувчи ва драматург Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан махсус қарорлар қабул қилди.

Юбилейгача 16 та тарихий обидани таъмирлаш режалаштирилган эди. Бу объектларда келишилган нархларда 460 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилиши керак эди. Шундан Масжиди Калонда 106 миллион сўмлик иш бажарилиши режалаштирилган эди. Лекин таъмирлаш жараёнида қўшимча ҳажмдаги ишларни бажаришга тўғри келди.

(Давоми 2-бетда).

АФСОНАЛАРГА ЧУЛҒОНГАН ШАҲАР

Тарих саҳнасида XVI асрда пайдо бўлган ўзбек хонликларидан бири -- Хива хонлиги ўрта асрларда мустақил давлат сифатида намоён бўлган эди. Янги хонликнинг аҳолиси энг қадимий даврлардан «хоразмликлар» деб юритилиб, юксак маданият ва маънавият марказига айланган бу кўҳна ўлка эса Хоразм номи билан жаҳонга машҳур бўлган.

Ўтмишнинг барча ижобий анъаналарини сақлаб келган, халқнинг табиий истеъдоди, буюк жасорати, толмас меҳнатсеварлиги туфайли ажойиб маданият яратган ва ҳозиргача нафосат ва гўзаллик, бунёдкорлик ва ижодкорликда намуна бўлиб келаётган Хоразм воҳаси бутун ўзбек элининг фахридир. Унинг аҳолиси тарих саҳнасида қайси номда пайдо бўлмасин, умуминсоний қадриятлар яратишда, айниқса, жаҳон маданияти хазинасини бойитишда жуда катта ҳисса қўшган.

Бундан бир неча йил муқаддам мен «Буюк Ипак йўли бўйлаб» халқаро экспедицияда иштирок қилиш бахтига муяссар бўлдим. Сафарга чиқишдан олдин эса кўп тарихий китобларни ва манбаларни варақлаб чиқишга тўғри келди. Албатта, ундан илгари ҳам мен Хоразм воҳаси, Хива, кўҳна Урганч тарихи билан батафсил танишганман. Ҳатто машҳур рус олими Сергей Павлович Толстовнинг машҳур археология-этнография экспедициясида иштирок этиб, нафақат Ўзбекистон, балки бугунги Туркманистон Республикаси ва Қорақалпоғистон ўлкасига мансуб ҳудудларда олиб борилган қазишмаларда иштирок этдим, унинг бу тупроқни севиш, ундаги сон-саноқсиз обидаларни -- Хива, Ҳазорасп, кўҳна Урганч каби антик шаҳарларни яратган Хоразм халқига абадул-абад хизмат қилишинг керак, деган гаплари ҳали-ҳануз ёдимда.

Шу боисдан бўлса керак, ҳар гал Хоразмда бўлиб кўҳна Хиванинг бетакрор гўзал қадимий кўчаларидан ўтганимда, Беруний, ал-Хоразмий, Абулғозий, Мунис Хоразмий, Огаҳий, Паҳлавон Маҳмуд, Феруз юрган кўчалар, таълим олган мадрасаларда бўлганимда ва бу мадрасалар пештоқига ёзилган муқаддас сатрларни ўқиганимда хаёлим мени узоқ-узоқларга олиб кетади. Айниқса, қадимий Хоразм шоҳи ибн Маъмун подшоҳлик қилган даврда яратилган ва бугунги тил билан «академия» деб аталадиган илм маскани ёдимга тушса, ўша дорилфунун ҳақида ўйлаб, ҳайратдан ёқамни ушлайман. Ахир, бу академияда Беруний ва ибн Синолар ғаройиб илмий анжуманлар олиб боришган. Бу анжуманларда ўша даврнинг жуда кўп улуғ алломалари иштирок этган. Улар фалакиётдан тортиб тиббиётгача, ал-жабр илмининг мураккаб муаммоларидан тортиб, курраи замин текисми ё юмалоқми, деган ҳатто бугун учун ҳам чигал масалалар ҳақида баҳс-мунозаралар олиб боришган.

Ҳаммага маълум, ўтган йили икки мустақил давлат -- Ўзбекистон ва Туркманистон Президентларининг дўстона ва самимий учрашувлари кўҳна Хивада якунланди. Улар Хивада туркман халқининг буюк фарзанди Маҳтумқулига қўйилган ҳайкал пойида туриб тарихий нутқ сўзладилар. Бу маросим ниҳоятда табиий ва ниҳоятда самимий руҳда ўтди. Чунки қадимий Хивада фақат ўзбек зиёлиларининг энг истеъдодли вакилларигина эмас, туркман, қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа элатларнинг азиз фарзандлари ҳам таҳсил кўришган. Зотан забардаст мутафаккир шоир Маҳтумқулининг ниҳоятда халқчил содда фалсафий шеърларини ўқиганимда Паҳлавон Маҳмуд ва Огаҳий шеъриятининг тиниқ руҳини ҳис этаман. Улар ижоди қандайдир бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетганга ўхшайди менга. Бу фикрни Хивада таълим олган қорақалпоқ элининг улуғ фарзандлари Ажиниёз ва Бердақ шоир тўғрисида ҳам айтиш мумкин.

Ўзига хос маданиятни яратган, оламга ал-Хоразмий ва ал-Беруний каби буюк мутафаккир олимларни, истеъдодли шоир ва тарихчи сифатида танилган Абулғози ва Мунис, Огаҳий ва Баённийларни етказиб берган Хоразмнинг шаклланиш жараёнини, унинг кейинги даврдаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий қиёфасини Хивасиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТИНИНГ СИФАТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

Ушбу Қонуннинг талаблари атир-упа, пардоз-андоз моллари ва тамаки маҳсулотларига ҳам таалluқлидир.

2-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

болаларбоп озиқ-овқат маҳсулотлари -- болалар организмининг (уч ёшгача) физиологик хусусиятларига жавоб берадиган махсус озиқ-овқат маҳсулотлари;

гигиена сертификати -- озиқ-овқат маҳсулоти, технология, ускуна ва бошқа жараёнлар амалдаги санитария нормалари ва қоидаларига мос эканлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;

овқатга қўшиладиган биологик фаол қўшимчалар -- озиқ-овқат хом ашёсини қайта ишлаш йўли билан ёки сунъий усулда ҳосил қилинган ҳамда бевосита овқат билан бирга истеъмол қилишга ёки озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига қўшишга мўлжалланган табиий ёхуд табиийга айнан ўхшайдиган биологик фаол моддаларнинг концентратлари;

озиқ-овқатлар -- озиқ-овқат хом ашёсидан тайёрланган ҳамда натурал ёки қайта ишланган ҳолида истеъмол қилинадиган маҳсулотлар;

озиқ-овқат маҳсулоти -- озиқ-овқат хом ашёси, (шу жумладан этил спирти), озиқ-овқатлар (шу жумладан алкоголли ичимликлар) ва уларнинг таркибий қисмлари, озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқатларга тегиб турадиган моддалар, материаллар ёрдамчи ва қадоқлаш материаллари ҳамда улардан тайёрланган буюмлар бирга;

озиқ-овқат маҳсулоти муомаласи -- озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш билан боғлиқ фаолият;

озиқ-овқат маҳсулотини реализация қилиш -- озиқ-овқат маҳсулотини маълум шартлар билан сотиш, етказиб бериш ва топширишнинг бошқа шакллари;

озиқ-овқат маҳсулотининг сифати -- озиқ-овқат маҳсулотининг истеъмол хоссаларини белгилаб берадиган ва унинг одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсизлигини таъминлайдиган мезонлар мажмуи;

озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги -- озиқ-овқат маҳсулотининг санитария, ветеринария, фитосанитария нормалари ва қоидаларига мослиги;

озиқ-овқат хом ашёси -- озиқ-овқатлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган ўсимлик, ҳайвонот, микробиология, шунингдек, минераллар объектлари, сув;

озиқ-овқатларни ҳамда озиқ-овқат хом ашёсини таққослаш -- озиқ-овқатлар ҳамда озиқ-овқат хом ашёси аниқ турдаги ва номдаги маҳсулотга доир норматив ва (ёки) техникавий ҳужжатда белгилаб қўйилган муҳим мезонларга мос келишини аниқлаш;

озиқ-овқат маҳсулотининг яроқлилик муддати (фойдаланиш муддати) -- бу муддат давомида озиқ-овқат маҳсулотини сақлаш, ташиш, реализация қилиш чоғида хавфсизлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилган тақдирда у фойдаланишга яроқли бўлиб туради, бу муддат тамом бўлганидан кейин эса маҳсулот одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлиб қолиши мумкин;

озиқ-овқат маҳсулотини қалбакилаштириш -- озиқ-овқат хом ашёсининг ҳамда озиқ-овқатларнинг хоссалари ва мезонларини атайлаб ўзгартириш ёки уларни алмаштириб қўйиш;

озиқ-овқат қўшимчалари -- озиқ-овқатларга белгиланган хоссаларни бахш этиш ва (ёки) уларни сақлаб қолиш мақсадида атайлаб қўшиладиган табиий ҳолдаги ёки синтез қилинган моддалар, бирикмалар;

токсикология-гигиена экспертизаси -- озиқ-овқат маҳсулоти устида амалга ошириладиган бир туркум лаборатория тадқиқотлари бўлиб, улар мавжуд нормалар ва қоидалар билан қиёслашга мўлжалланган бўлади;

қадоқлаш материаллари, ёрдамчи материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар -- озиқ-овқат маҳсулотини муомала жараёнида ташқи таъсирлардан ҳимоялаш мақсадида ишлатиладиган воситалар.

3-модда. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ушбу Қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгилаб қўйилган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Бош давлат ветеринария бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази ҳамда қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа органлар (бундан кейин матнда давлат назорати органлари деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви қуйидагиларни ўз ичига олади:

давлат томонидан нормалаш;

озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказиш;

озиқ-овқат маҳсулотини сертификатлаш;

давлат назорати ва текшируви;

озиқ-овқат маҳсулотининг сифатини ва хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини режалаштириш.

5-модда. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат томонидан нормалаш

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат томонидан нормалаш озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига, уни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш шарт-шароитларига қўйиладиган талабларни ўз ичига оладиган санитария, ветеринария, фитосанитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини, давлат стандартларини, техникавий шартларни (бундан кейин матнда нормалар ва қоидалар деб юритилади) белгилаш йўли билан амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига доир нормалар ва қоидалар давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади ва улар озиқ-овқат маҳсулоти муомаласи соҳасида иш олиб бораётган юридик ҳамда жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

6-модда. Озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказиш

Озиқ-овқат маҳсулоти ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналар давлат рўйхатидан ўтказиш;

озиқ-овқат маҳсулотини сертификатлаш;

давлат назорати ва текшируви;

озиқ-овқат маҳсулотининг сифатини ва хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини режалаштириш.

5-модда. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат томонидан нормалаш

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Бош давлат ветеринария бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази ҳамда қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа органлар (бундан кейин матнда давлат назорати органлари деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви қуйидагиларни ўз ичига олади:

давлат томонидан нормалаш;

озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказиш;

озиқ-овқат маҳсулотини сертификатлаш;

давлат назорати ва текшируви;

озиқ-овқат маҳсулотининг сифатини ва хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини режалаштириш.

5-модда. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат томонидан нормалаш

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат томонидан нормалаш озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига, уни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш шарт-шароитларига қўйиладиган талабларни ўз ичига оладиган санитария, ветеринария, фитосанитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини, давлат стандартларини, техникавий шартларни (бундан кейин матнда нормалар ва қоидалар деб юритилади) белгилаш йўли билан амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига доир нормалар ва қоидалар давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади ва улар озиқ-овқат маҳсулоти муомаласи соҳасида иш олиб борадиган юридик ҳамда жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

6-модда. Озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказиш

Озиқ-овқат маҳсулоти ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналар давлат рўйхатидан ўтказиш;

озиқ-овқат маҳсулотини сертификатлаш;

давлат назорати ва текшируви;

озиқ-овқат маҳсулотининг сифатини ва хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини режалаштириш.

5-модда. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат томонидан нормалаш

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Бош давлат ветеринария бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази ҳамда қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа органлар (бундан кейин матнда давлат назорати органлари деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви қуйидагиларни ўз ичига олади:

давлат томонидан нормалаш;

озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналарни

ЙИГИРМА БЕШ АСР НИМА БЎЛИБДУР? АРЗИЙСАН, ХИВАМИЗ, БОҚИЙ КУЛИБ ТУР!

ИСТИҚЛОЛДА ҚАЙТА ТУҒИЛДИ

Хива шаҳри ва тумани ҳокими Матёқуб Мадаминов билан суҳбат

-- Халқаро ҳамжамият -- ЮНЕСКО нинг қарорига биноан Хива жаҳон маданий меросига даҳлдор шаҳарлар сафига киритилган. Бу -- шаҳар тарихида ёрқин из қолдирувчи воқеа бўлиб, унга Истиқлол даврида сазовор бўлди. Шаҳарнинг бундай мақоми одамлар дилида нечоғлик ҳис-туйғулар уйғотаяпти? Айни пайтда ҳоким сифатида ўзингизнинг зиммангизга қандай масъулият ва мажбуриятлар юклайди?

-- Қадимий Хивамизнинг нуфузли халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилиши жаҳон жамоатчилигининг Ўзбекистон истиқлолига ҳайрихоҳлигини яна бир марта намойиш қилди, десам муболаға бўлмайди. Чиндан ҳам республикамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва кўпдан-кўп бошқа халқаро жамиятлар, уюшмалар, иттифоқларга тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилингач, жаҳон оммасининг унга бўлган эътибори ортди. Аслида, халқимизнинг бой маданий ўтмиши, дунё тараққиётидаги ўрни тан олинди. Комил ишонч билан айтамизки, бу воқеанинг содир бўлиши давлатчилигимизнинг қарор топиши билан чамбарчас боғлиқ.

Турли тазйиқларга қарамай, Истиқлолгача Хива ёдгорликларини яхлит мажмуа ҳолида сақлашга муваффақ бўлинди. Бутун бошли шаҳар яхлит музейга айлангани ва мингларча сайёҳларни ўзига жалб этиб келгани боиси -- шу.

Шўролар тузуми йилларида нари борса, 10 га яқин обида амал-тақал таъмирланган эди.

Истиқлолнинг ўтган 6 йили мобайнида давлат муҳофазасига олинган 54 та ёдгорликнинг деярли ҳаммаси таъмирлаб, асли ҳолига келтирилди. Бутун бошли кўчалар, саройлар, масжид-мадрасалар азалий қиёфасини тиклади.

Хивамиз Истиқлол туфайли қайта туғилди ва жаҳонга танилди, деб айтишимизга ҳамма асослар бор.

-- Энди «Хива шаҳрининг 2500 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорда белгилаб берилган вазифалар қандай бажарилгани ҳақида суҳбатлашсак.

-- Хива осори-атиқаларини асраш, асл ҳолига қайтариш, ободончилик ишлари, қадриятларимизнинг қадрланишига ҳукуматнинг ўзи раҳнамолик қилаётгани қарорни рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этди. Бугун қадимий шаҳар ўз юбилейига тайёр ва узоқ-яқин эллардан келадиган кўп сонли меҳмонлар, сайёҳлар йўлига муштоқмиз, деб баралла айта оламиз.

Кўнгилда иштиёқ бўлмаса, оддийгина ишлар ҳам рўёбга чиқмайди. Ўтган икки йилга яқин вақт мобайнида тўйга ҳозирлик борасида амалга оширилган ишлари халқимизнинг ҳукуматимиз саъй-ҳаракатларига ҳайрихоҳлиги ва камарбасталиги намунаси, деб баҳолаймиз. Ёдгорликларни аждодларимиз ақлу заковатига биноан таъмирлаб, асли ҳолига келтириш ниҳоятда мураккаб юмуш. У ҳар бир уста ва шогирднинг фидойилиги, шижоати, салоҳият ва истеъдоди туфайлигина адо этилади. Шундай бўлди ҳам. Шаҳримиздаги кўп сонли ҳунармандлар, таъмирловчи усталар, ҳатто оддий фуқаролар ҳам ўзлари дилдан севган, фахрланган масканни обод ва ораста қилишда чинакам фидойилик кўрсатдилар. Натижада олдинига бажарилиши аммамаҳол бўлиб туюлган кўпгина муҳим юмушлар осон ечим топди. Биргина мисол: таъмирлаш ишларига сув билан ҳаводек зарур кошинкорлик бўёғини тайёрлашга энди ҳеч қачон муваффақ бўла олмасак керак, деб ўйлагандик. Чунки, шўролар тузумининг «ғамхўрлиги» боис косиблар юрти -- Хивада шу иш билан шуғулланувчи биронта ҳам уста қолмаганди. «Ичонқалъа» да бошланган кенг қамровли таъмирлаш ишлари ва касб-корга бўлган муҳаббат ҳамшаҳарларимиз, оддий қурувчи Мақсуд Бобожоновни изланишга чорлади. Натижада аллақачон унут бўлиб кетган кошин бўёғини тайёрлаш усули қайта тикланди. Истеъдодли кандакор Улуғбек Машарипов ясаган тиллоранг қумғонлар, патнис ва ликопчаларнинг довруғи аллақачон узоқ Америка ва Европага етиб борди. Машҳур ҳаррот Сафо Боғибековнинг шогирди ва фарзанди Ҳайитбой Боғибеков қалб даъвати билан ясаб, санъат асари даражасига кўтарган қўш табақали нақшинкор эшик ва дарвозани таъмирловчиларга тақдим этди. Бу намуналар энди шаҳримиз остонаси ҳисобланган «Ота дарвоза» ва муқаддас зиёратгоҳ Паҳлавон Маҳмуд ёдгорлик мажмуасини безаб турибди. Устанинг анъанавий шарқона нақшлар билан безаб ишлаган дурадгорлик санъати намуналари эса халқаро кўргазманинг соврини ва ЮНЕСКО нинг кафолат ёрлиғини олди.

Қарс икки қўлдан чиқади. Хиванинг 25 асрлик тўйини миллатимизга, бутун ўзбек халқига, шу жумладан, Хоразм аҳлига қадриятларимизга кўрсатилаётган катта ҳурмат ва эътиборнинг нишонаси деб билдик.

Юбилейга моддий яратувчилик жиҳатидангина эмас, балки маънавий-маърифий жиҳатдан ҳам катта тайёргарлик кўрилди. Ўнлаб китоблар, рисолалар, тақвимлар, альбом ва альманахлар чоп этилди. «Хива» қомуси, рассомлик панорамаси тайёрланди, кинофильмлар суратга олинди, шаҳримиз тарихи, ҳозирги куни ва истиқболига бағишланган ўнларча анжуманлар ўтказилди. Булар орасида ЮНЕСКО ташаббуси билан шу йил июнь ойида Париж шаҳрида ўтказилган халқаро симпозиум моҳият-эътибори билан ажралиб туради.

-- Яна бир неча кундан сўнг бутун воҳада катта тўй тантаналари бошланади. Айтингчи, унинг қатнашчиларини қандай байрам дастури кутаяпти?

-- Узоқ-яқин хориждаги 90 та мамлакатдан, бир қанча халқаро ташкилотлар ва уюшмалардан меҳмонлар, вакиллар келиши кутиляпти. Республикамизнинг турли минтақалари ва воҳамизнинг ўзидан ҳам жуда кўп меҳмонлар ташриф буюришади. Бошқа тўйлардагидек шаҳримиз юбилейида ҳам оламга машҳур ўзбекона меҳмондўстлик ва меҳмоннавозлик анъаналари ярқ этиб кўзга ташланмоғи даркор.

Шу йил 20-21 октябрь кунларига белгиланган юбилей тантаналари чоғида «Ичон-қалъа» музейи мазмундорлиги ва жозибаси билан томошабинлар қалбини ром этди.

Матрасул Матёқубов Урганчдаги музикка билим юртида пуфлаб чалинадиган асбоблар бўйича таҳсил бериш билан бирга Хива шаҳар маданият бўлимида ҳам фаолият кўрсатиб, қадим эл санъати янада сайқал топиши йўлида баракали меҳнат қилмоқда. Хиванинг муборак 2500 йиллиги юбилейи арафасида Матрасул Матёқубов самарали хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

...Сурнай наволари тараляпти. У барча-барчани қадим Хиванинг қутлуғ тўйига чорламоқда.

А. САФОЕВ.

ИЧОН ҚАЛЪАДА КЕЧГАН КУНЛАР

Бу бир руҳ фаслидир,
Илоҳий айём.
Муҳаббат дилдаю
Бошдин баланддир.
Наздимда бу кунлар
Орзуманд жонга
Қадр туни янглиғ
Саодатманддир.

Бу бир лим-лим қадаҳ --
Кўкнинг иноми,
Уни ичмоқ мумкин
Чирт юмиб кўзни,
Кейин бутун умр
Яшайвераман.
Ахтариб
Хивага муносиб сўзни!

* * *

Маъдани уламо Хоразм, ушбу,
Ваҳдатул вужудда беназир шукуҳ.
Унинг осмонида яшайди мангу,
Ватан шавкатини ёритувчи руҳ.

Замахшарийнингдир у руҳи поки,
Юлдуздек бош узра турган потирлаб.
Кўкдан ёғаётган илм, ҳаттоки,
Уни бир юртдоши турса хотирлаб.

Шавкати фузало Хоразм, ушбу
Каср ратул маъвода туганмас тилсим.
Унинг тупроғида жо бўлган мангу,
Юрак қонларидан битилган билим.

Нажмиддин Кубронинг у илми холи,
Ҳамон руҳ онида нодиру якто!
Ёрни меҳр қоплар майса мисоли,
Уни бир элдоши ўйласа, ҳатто.

Сотим АВАЗ.

САЁТ-КУБРО ВАТАНИ

Худди Хива шаҳри каби Саёт қишлоғи ҳам узоқ ва бой тарихга эга. Аждодларимиздан мерос обидаларнинг бир қисми қишлоғимизда жамланган. Бу табаррук тупроқда шайх Нажмиддин Кубро ҳазратлари таваллуд топганлар. Шунингдек, ҳамқишлоқларимиз шу ерда таваллуд топган жамоа хўжалигининг собиқ раиси, марҳум Рўзмат Мадаминовдай ажойиб инсон, таниқли халқ бахшиси Бола бахши -- Қурбоннаназар Абдуллаев, тажрибали пахтакору, соҳибкорлари, ҳунармандлари билан чексиз фахрланадилар.

Қишлоғимизда ўтмишни эъзозлаш, бой маънавий ва маданий меросимизни асраб-авайлаш, тарғиб этиш, ёш авлодни отаболаларимизнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Маданият саройидаги қишлоқ тарихи музейида ўтмиш ва бугунги турмуш қирралари билан батафсил танишишингиз мумкин. Кейинги даврда қишлоқ қабристонлари ободонлаштирилди, қўкаламзорлаштирилди. Кубро ҳазратларининг волидаи муҳтарамалари -- Биби Ҳожар Момо қабри кўркам қилиб таъмирланди.

Урушда ҳалоқ бўлган ҳамқишлоқлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик ҳам гавжум зиёратгоҳга айлантирилди.

Хива хонларининг ёзги қароргоҳи ва оромгоҳи кўп йиллик тарихга эга Чодра боғидаги обидалар ҳам таъмирланиб асли ҳолига қайтарилди. Келгусида бу ерни сайёҳларнинг ташриф йўналишига киритиш кўзда тутилмоқда. Хўжалик истиқлол йилларида иқтисодий равнақнинг ойдин йўлларидан бораётир. Деҳқончилик, чорвачилик билан бир қаторда бу ерда саноат тармоқлари ҳам ривож топаяпти.

Ҳозирда йилига 2,5 миллион шартли банка маҳсулот ишлаб чиқарувчи консерва заводи, иккита ғишт заводи, 20 дан зиёд кичик ва хусусий корхоналар, ҳунармандчилик масканлари фаолият кўрсатяпти.

Деҳқончиликнинг асосий тармоғи -- пахтачиликда қувончли ютуқларга эришилмоқда. Бу йил давлатга камида 3705 тонна қимматли хомашё етказиб беришдек эзгу ниятимиз рўёбга чиқди.

Ш. ИБРОҲИМОВ,
Хива туманидаги Саёт қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

НОТАГА МУҲРЛАНГАН ДОСТОНЛАР

Хоразмнинг азалий бетакрор ижрочилик услуби, санъаткорлар маҳорати кимларни мафтун этмаган дейсиз? Ҳозир қадим юрт бахшилари, халфалари, ҳатто айрим фуқаролар тилида 300 дан зиёд Хоразм достонлари ва халқ оғзаки ижодининг бошқа намуналари барҳаёт умр кўраяпти. Афсуслар бўлсинки, шўролар тузуми даврида уларни жамлаш, бир ўзликка солиш, нота ҳолига келтириш ва нашр этиш ишлари деярли ҳеч кимни қизиқтирмади. Оқибатда Хоразм дутор мақомлари, Чапандоз, Мўғулча, Наво, Садри, Ироқ, Ровий, Ташниз, Мажнун дали, Орёр, Мискин, Чоғи, Оразибон сингари айтим ва оҳангларнинг куни битаёзди.

Хива хони Муҳаммад Раҳимхон-Феруз Россияга сафари чоғида оркестр наволари нота орқали ижро этилаётганини кўриб, ҳайратга тушади. Хивага қайтиши билан машҳур шоир ва ҳофиз Комил Хоразмийга туркий мақомларни худди Руссиядагига ўхшатиб «хатга солиш» ҳақида топшириқ беради. Хоннинг бу тадбири Хоразм мақомларининг авлодлар мулкига айланиши учун бир туртки бўлди. Хон бобомизнинг бу топшириғи Хивадаги Абдушариф Отажонов номли санъат мактабида фарзандларга сабоқ бераётган Хоразм достончиларининг отахони-марҳум Бола бахшининг ўғли Матёқуб Абдуллаевни ҳам изланишга ундади. Натижада ота ижро этган халқ достонларидан бир нечаси нотага муҳрланди. Санъат мактабининг яна бир истеъдодли муаллимаси Норпошша Матёқубова билан ижодий ҳамнафаслик кутилган натижаларга олиб келди. Ҳозир халқ наволарининг яна бир қатор оммавий намуналари замонавий ноталарда аксини топаяпти.

-- Бахши отам ўргатган 16 та достонни ёд олганман, -- дейди И. Абдуллаев. — Аммо, минг афсуски, отам қанчадан-қанча халқ достонларини ўзлари билан бирга олиб кетдилар. Бунга нотачилигимиздаги қусурлар сабаб бўлди. Падаримиз ва бошқа ҳофизлар ижро этган достонларни энди ҳаёт қолган бошқа бахшиларнинг тилидан ёзиб олишга киришдик.

Нота ижодкорлари саҳифаларга жойланган оҳангларни қадим шаҳарнинг 2500 йиллиги тантаналари чоғида шогирдлари жўрлигида баралла куйлашмоқда.

С. СОБИРОВА,
мусиқашунос.

Матрасулни танийсиз, ҳурматли муштарий! Сурнай чалганида гўё бутун борлиқ гўзаллик оғушига, сеҳрга, мўъжизага тўлиб-тошгандай бўлади. Матрасулнинг маҳорати, таланти, ижодидан нафақат Хоразм, бутун Ўзбекистон, хорижий мамлакатларнинг санъат ихлосмандлари ҳам баҳраманд бўлмоқда.

СУРНАЙ ТЎЙГА ЧОРЛАЙДИ

Созанда Қуриянинг Сеул шаҳрида пуфлаб чалинадиган асбоблар бўйича ўтказилган халқаро фестивалдан қайтиб келган кунлари эди. Ундан сафар ҳақида сўрадик:

- Мен аввало мустақил Ўзбекистонимиз, унинг кўз қорачиғи Хива санъатини қўлимдан келганча оламга ёйганлигимдан хурсандман. Ўзим билан бирга тарихий обидалар, тўй-томошалар кўринишлари акс этган қисқа метражли рангли фильм лентасини ҳам олиб борган эдим. Узукка кўз қўйгандай бўлди: мен чалган куйга вобаста манзаралар ҳаммада зўр қизиқиш уйғотди. Сурнай навосига беихтиёр залдагилар ҳам ўйинга тушиб кетишди. Африка, Австралия, Мексика, Хитой, Япония, Венгрия, хуллас 18 мамлакатдан келган санъаткорлар орасида ўзбек санъати юқори баҳоланди.

Ўшанда Матрасул Матёқубов халқаро фестивалнинг биринчи даражали дипломи, олтин сертификати билан тақдирланган эди. У кейин ҳам қатор нуфузли анжуманларда иштирок этди. Парижда Хиванинг 2500 йиллиги муносабати билан ўтган тантаналарда қатнашди. Туркиянинг Измир шаҳрида бўлган халқ рақслари фестивалида қатнашди. Матрасулнинг ижроси яна бир бор дунёнинг ўн бешдан зиёд мамлакатларидан келган созандалар ичида юқори баҳоланди.

Матрасул Матёқубов Хоразм мусиқа санъатининг чинакам фидойиси. У барча хил мусиқа асбобларини чала олиш қобилиятига эга. Аммо сурнайни ўзгача бир илҳом ва маҳорат билан чалади. У сурнай, буломон асбоблари бўйича аспирантурада ҳам таҳсил олиб, илмий иш ёқлаган. Драматург Комил Аваз-нинг Феруз ҳақидаги «Сақили наво» видеофильмида М. Матёқубов томонидан ижро этилган «Хон чиқар» ва бошқа куйлар, шунингдек, «Хоразм лазгиси» фильми мазмундорлиги ва жозибаси билан томошабинлар қалбини ром этди.

Матрасул Матёқубов Урганчдаги музикка билим юртида пуфлаб чалинадиган асбоблар бўйича таҳсил бериш билан бирга Хива шаҳар маданият бўлимида ҳам фаолият кўрсатиб, қадим эл санъати янада сайқал топиши йўлида баракали меҳнат қилмоқда. Хиванинг муборак 2500 йиллиги юбилейи арафасида Матрасул Матёқубов самарали хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

...Сурнай наволари тараляпти. У барча-барчани қадим Хиванинг қутлуғ тўйига чорламоқда.

А. САФОЕВ.

СОЛНОМАЛАРДАН САТРЛАР:

Хоразмликлар - идрок, илм, фиқҳ, қобилият ҳамда билим кишиларидир.

Ал-МУҚАДДАСИЙ (X аср)

* * *

Журжония эли ўз мақомларини беҳад қадрлайди. Мамлакат пойтахти Гурганчда мусиқа асбоблари ясаб тирикчилик қиладиган маҳаллаларни ўз кўзим билан кўрдим.

Ёқут Ҳамавий, «Мужам ул-Булдон». XIII аср.

* * *

Бутун жаҳонда ҳали менга хоразмликлар каби ажнабийларга нисбатан хушхулқ, олижаноб, меҳмондўст, доно кишиларни учратиш насиб этмаган.

Ибн Баттута (XIV аср)

* * *

Жавоҳарлал Неру:

Мен сенга Маҳмуд (Ғазнавий назарда тутилади-таҳр.) даврида яшаган, у билан Панжобга келган бошқа бир инсон ҳақида ҳали сўзлаб берганим йўқ. Бу - Беруниийдир. У ўз замонасининг жоҳил ва мутаассиб босқинчиларидан тубдан фарқ қилувчи олим ва мутафаккир эди. Беруний янги мамлакат ва унинг аҳволини, ҳиндларнинг дунёқарашани ўрганиш учун бутун Ҳиндистонни кезди. Шу мақсадда у ўша давр ҳинд фалсафаси, маданияти ҳамда фанини ўрганди... Беруний кўз олдимизда вайронагарчилик, қон тўкиш ва тартибсизликлар хукм сураётган бир даврда ҳақиқатни англаш иштиёқида сабр ва матонат билан воқеликни кузатаётган, уни ўрганаётган олим сифатида намоён бўлади...

Мен яна шуни маълум қилишим керакки, бобом ва сенинг катта бобонг Беруний ватани бўлган Хивада мадрасада ўқиган эди.

«Индира Гандига мактуб»дан. (XX аср).

Вақти келди-олам яралди, вақти келди-мукаммал мавжудот-инсон дунёга келди. Инсонга бошқа жонзотлардан фарқли буюк имконият -- сўз инъом қилинди. Сўзни абадиятга муҳрлаш учун эса ёзувлар кашф қилинди. Борлиқнинг бор тарихи сўз ва ёзувнинг уйғунлигидан иборат.

БИТИКЛАР ТИЛГА КИРГАНДА...

«Ўрхун-Енисей ёзувлари» топилиши жаҳон тарихидаги энг йирик империялардан бири -- Турк ҳоқонлигининг тарихини очиб берди. Култегин ва Билга ҳоқонлар тошларга ўйиб ёздирган сўзлар вақтнинг бешафқат қисматларидан ер тагига кетган бўлсалар-да, фурсат келиб яна ёруғ оламга юз тутиб, бизнинг узоқ тарихдаги буюк боболаримиздан сўзладилар. Тошлар сийнасига рақам қилинмиш сўзлар бутун бир халқ тарихини ўтмиш қаъридан омон-эсон олиб ўтдилар.

Бир қараганда, инсониятнинг узоқ-яқин тарихи -- сўзлардан, турли воситаларга муҳрланган ёзувлардан иборат. Мармар тош, ёғоч, қоғоз бу ўринда шунчаки бир восита. Ёзувнинг моҳияти битта ўчмас тарих.

Мана, бир битик: «Оҳ, фарёд бу фалакнинг дастидан. Юз жафо кўрдим ман замонадан. Шоҳ Абулғози одил хон бўлди. Унинг одиллиги тўғрисида ҳамма айтади. Шундайин шоҳни тупроқ остига яширди. Тескари айланувчи дунёнинг иши шу бўлди. Бу жаннатмакон шоҳнинг фироқида, икки кўздан дув-дув арикдай ёш кетди. Унинг вафотига тарих истадим ғойибдан. Кўзда ёш билан дедим: «Жаҳон ҳукмдори қани?!»

Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мақбарасида дафн қилинмиш Хоразм ҳукмдорлари ва уларнинг яқинлари қабрлари устида бир қанча ёзувлар бор. Улар олтита бўлиб, бириси юқорида келтирганимиз-тарихимизда нурли из қолдирган адолатли хон, маърифатпарвар инсон, муаррих Абулғози Баҳодирхон қабртошидаги битикдир. Қабртош катта гумбазли хонақоҳнинг шимолий-ғарбий бурчагида, ердан 44 сантиметр баландликда, кошин супа устига қўйилган. Қабртош кўнғир -- қора мармардан тўртбурчак шаклда ишланган бўлиб, ниҳоятда чиройли ўсимликсимон ўйма нақшлар билан безатилиб, сайқал берилган.

Қабртошлардаги бу ёзувлар шуниси билан аҳамиятлики, улар анъанага мувофиқ шеърий услубда бажарилиб, ҳар бирига тарих яширилган. Яъни араб алифбосида ҳар бир ҳарф бир рақамни англатади.

Шеъриятнинг шу нозик «ҳунари»дан ҳукмдорлар бирор воқеа: зафарли юришлар, тарихий обидаларнинг бунёд этилиши, туғилиш ва вафот саналарини тошга битишган. Абулғозихон қабртошидаги шеърий тарихнинг охирги мисрасидаги «Хисрави офоқ ку» («Жаҳон ҳукмдори қани») жумласига тарих моддаси яширинган бўлиб, ундаги ҳарф-рақамлар йиғиндисидан 1074 келиб чиқади. Яъни 1074 ҳижрий, қамарий-1663 милодий йил. Айни шу йил Абдулғозихон Фано оламидан Бақо оламига кетган...

Хивадаги кўплаб тарихий-меъморий обидаларда шундай ёзувлар мавжуд. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Муҳаммад Раҳимхон-I, Анушахон ва Абдулғозихон қабртошлари, уч авлиё зиёратгоҳи, Сайид Алловуддин мақбараси ва бошқа обидалар пештоқлари, эшик устидаги мармар лавҳалар, панжараларида ёзувлар борки, улар маълум бир иншоот ёки тарихий шахснинг ҳаётидаги муҳим воқеадан ҳикоя қилади.

«Ичон қалъа» музей-қўриқхонаси бўлим мудири, «Олтин мерос» халқаро жамғармасининг Хива бўлими раиси, иқтидорли қадимшунос Комилжон Худойберганов узоқ йиллардан буён қадим шаҳардаги битиктошлар ёзувлари тарихи билан шуғулланиб келмоқда. Шу борада илмий изланишлар олиб бораяпти. Унинг узоқ йиллик сермашаққат изланишлари натижаси ўлароқ қатор ёзувлар ўрганилди, таржима қилинди ва тарихи аниқланди. Шу билан бирга, маълум бир меъморий обидани бунёд этишда қатнашган уста-ҳунармандларнинг муборак номлари тикланди.

Комилжон Худойберганов фидойи қадимшунос бўлибгина қолмасдан иқтидорли қалам соҳиби ҳамдир. Унинг қадим шаҳар тарихи, обидалар, қабрлардаги ёзувлар билан боғлиқ ўнлаб қизиқарли мақолалари вақтли матбуотда мунтазам чоп қилиниб келинади.

Рўзимбой Ҳасан.

ИЛМ-ҲУНАР — ЎЛМАС, ИЙМОН АЗИЗДУР, БУХОРОИ ШАРИФ — БОҚИЙ РАМЗДИР

БУХОРО ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Ўзбекистоннинг жавоҳир шаҳри Бухорои шарифнинг номи етти иқлимга маълум ва машҳур. Кўҳна замонлардан ҳозиргача Шарқу Ғарб одамлари Бухорои шарифни бир кўриш, зиёрат қилиш орзуси билан яшайди. Бухорои шариф ҳақида қадим замонлардан ҳозиргача ўнлаб, юзлаб китоблар ёзилган. Шундай китоблардан бири ўрта асрнинг йирик олими, муаррих Муҳаммад ан-Наршахийнинг «Таҳқиқи ул-вилоят» -- «Бухоро тарихи» (944 й.) асаридир.

Китобнинг арабча нусхаси бизгача етиб келмаган. «Таҳқиқи ул-вилоят» китобини 1128 йили Абу Наср Аҳмад ал-Қуровий «кўпчилик кишилар араб тилида ёзилган китобни ўқишга рағбат кўргазмаганликлари ва дўстларнинг илтимосига биноан» арабчадан форсчага таржима қилган. Китоб жиддий қисқартиришга учраган. Лекин Абу Наср Аҳмад ал-Қуровий асарга тарихий қимматга эга бўлган маълумотлар қўшган. Айниқса Абул Ҳасан Абдурраҳмон ибн Муҳаммад Нишопурийнинг «Хазоин ул-улум» номли асаридан кўпроқ фойдаланган.

1178--1179 йилларда Муҳаммад ибн Зуфар ибн Умар форс тилидаги «Таҳқиқи ул-вилоят»ни иккинчи марта қисқартириб баён қилади. Манбашунослларнинг фикрича, икки марта қисқартирилиб тахрир-таржима қилинган китоб кейинги замонларда ҳам баъзи тахрирларга учраган. Чунки бизгача етиб келган нусхада 1220 йилгача бўлган воқеалар ҳам киритилган.

Илм-фанда «Таҳқиқи ул-вилоят» китобини баъзан «Ахбори Бухоро», «Наршахий тарихи», кўпинча «Бухоро тарихи» деб аталади. Мазкур китоб «Бухоро тарихи» номи билан Тошкентда кирилл алифбосида икки марта -- 1966, 1991 йиллари нашр этилди (Таржимон А. Расулов, масъул муҳаррир А. Ўринбоев).

Хуллас, Наршахий Бухоронинг вужудга келиш тарихи тўғрисида шундай ёзади:

«Самарқанд томонида бир катта дарё борки, уни «Руди Мосаф» -- «Мосаф дарёси» (ҳозирги Зарафшон) деб атайдилар. Бу дарёга сув кўп йиғилган, у бир талай ерларни ювиб-ўпириб, кўп лойқаларни суриб келган ва натижада бу боткоқликлар тўлиб қолган. Сув кўп оқиб келаберди, лойқаларни то Битик ва Фарабгача суриб келтира берди. Сўнг сув (тошиб келиши) тўхтади, Бухоро ўрнашган жой (аста-секин) тўлиб текис ерга айланди ва шундай қилиб, у катта дарё Сўғд ва бу (лойқалар билан) тўлган мавзе Бухоронинг ўрнини ташкил этди. Ҳар томондан одамлар йиғилиб, у жой обод бўлди. Одамлар Туркистон томондан келар эдилар. Бу вилоятда сув ва дарахтлар, ов қиладиган (жониворлар) жойлар кўп бўлганидан кишиларга бу вилоят хўш келиб шу ерга жойлашдилар. Аввал улар чодир ва ўтовларда турар эдилар, сўнг вақт ўтиши билан одамлар йиғилишиб иморатлар қурдилар. Халқ кўпайгач, бир кишини сайлаб амир қилдилар: унинг номи Абруй эди. Ҳали Бухоро шаҳри вужудга келмаган, лекин қишлоқлардан баъзилари пайдо бўлган эди. Нур, Ҳарқонруд, Вардона, Таровча, Сафна, Исвонлар ўша қишлоқлар жумласидандир. Подшоҳ турадиган катта қишлоқ Байканд (Пойканд) эди. Шаҳар «Қалъаи Дабусий» -- «Дабусий қалъаси» бўлиб, шаҳар деб шуни атар эдилар» («Бухоро тарихи», 90-91-betлар).

Хўш, шаҳар нечук Бухоро деб аталган? Бу тўғрисида қадимги ва ҳозирги адабиётларда талқинлар кўп. Ҳозирги замон тарихчиси А. Муҳаммаджонов ва жуғрофия олими Ҳ. Ҳасанов талқинига кўра, Бухоро номи сўғдийча икки сўздан -- «Буғ» ёки «баг» ва «оро» бирикмасидан иборат бўлиб, «Буғ» тангри, худо, «оро» эса безак, сайқал маъноларини англатади. Агар бу икки сўз асосида «Бухоро» атамасига изоҳ бериладиган бўлса, Бухоро -- «Худо сайқал берган ўлка», «тангри нигоҳи тушган жой» ёки «тангри жамоли» деган мазмунни англатади. Бу муаллифлар Бухоро ўзининг этимологиясига вилоятнинг қадим табиатидан келиб чиқиб ёндошганлар. Бу талқин рамзий маънодагина тўғридир. Аслида ундай эмас. Бизнингча, Бухоро шаҳрининг бундай ном билан аталишини Муҳаммад ан-Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобига асосланиб талқин этилса, тўғрироқ бўлади.

Китобнинг «Бухоро ва унга қўшиладиган жойлар» (IV-боб) деган бобида шундай фикр бор: «Ҳаромком суви Байкандга келади. Байкандда қамишзорлар ва катта-катта сув халқоблари туташади; буларни «Боргина фароҳ» -- «Кенг ҳавз» дейдилар ва Қоракўл деб ҳам атайдилар. Ишончли кишилардан эшитганманки, у (кўл)нинг кенглиги йигирма фарсангдир. «Масолик ва мамолик» китобида айтилишича, уни «Буғайрарайи Сомжан» -- «Сомжан кўли» деб атайдилар. Бухоро сувининг ортиқчаси ҳам ўша жойга йиғилади. Унда сув жониворлари бўладилар; бутун Хуросонда бу ердагидек миқдорда қуш ва балиқ тутилмайди».

Демак, сўғдча «Буғайра» сўзи кўл деган маънони билдиради. Мосаф (Зарафшон) дарёси сувининг кўл-лойқаси ўрнида пайдо бўлган Бухоро шаҳрининг ўрнини инобатга олсак, Бухоро «Буғ» ва «оро» сўзлари бирикмасидан эмас, балки айнан Буғайра сўзидан ўзлашгандир.

«Бухоро тарихи»нинг «Бухоронинг турли номлари баёни» деган VII бобида «Хуросон шаҳарларидан биронтаси ҳам бунчалик кўп номга эга эмас» дейилади-да, шаҳарнинг Нумижкент, Бумискент, Мадинат ус-суфрия (Мис шаҳар), «Мадинат ут-тужжор» (Савдогарлар шаҳри), Фохира каби номлар билан аталгани эслатилади.

«Бухоро тарихи»да нафақат Бухоро вилоятининг қадим қишлоқлари ва шаҳарлари тарихи, балки шу билан бирга Бухоро шаҳрининг қадим аҳволи, чунончи, Бухоро шаҳрида тўқимачилик корхонаси -- «Байт ут-тироз»нинг иш бошлаши, пул зарб қилиниши, бозорлари, савдо-сотиқ аҳволи, Бухоро Арки-нинг, шаҳар қалъасининг, деворларининг, подшоҳларнинг саройлари, «Канпирак» деворининг бунёд бўлиши, шаҳар ичидан оққан анҳорлар ҳақида ҳам қимматли маълумотларни ўқиймиз.

Ғуломжон ҒАФУРОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

ЧОРМИНОР ЯШАРМОҚДА

Чорминор қуббаларига ҳаворанг кошинлар териб безак бераётган таъмирчи йигит ўз ишига ихлос ила берилган эди.

Бир пайтлар супа ва хонақо ғиштлари ташиб кетилган, мармар ҳовузи турли ахлатлар билан кўмилган, бундан 3-4 йил олдинроқ қор-ёмғир ҳамда ташландиқ сувлар асоратидан Чорминорнинг бир минораси қулаб тушганини кўргандим. Бугун эса Бухоро илмий-таъмирлаш корхонаси усталари бундай ноёб бинони зўр маҳорат билан таъмирлаётганликларини кўриб қувондим.

Айниқса Зиёдулла Баротов етакчилик қилаётган усталар Наим Шаропов, Ботир Дўстов, Ориф Саидов, Адиз Ашуров, саркор Соли Каримовнинг бу мажмуадаги ишлари диққатга сазовордир. Чорминорнинг барча хоналари ва қулаб тушган мораси ҳам бугунги қунда аслига келтирилибди. Бу ерда 1,5 миллион сўмдан ортиқ таъмирлаш ишлари амалга оширилганлиги қувончли бир ҳолдир.



Суҳбатимизга ўзини Очил Сафаров деб танитган киши қўшилди.

- Булардан олдин ҳам кўп усталар ишлаган, - дейди у. Уларнинг ишлари бизларга маъқул бўлмади. Мана, «Оролсувқурилиш» бошқармаси жамоаси Чорминор зеҳини қор-ёмғир ҳамда чиқинди сувлардан тўсадиган цемент ариқча ўтказди. Аммо ҳали ёмғир ёғмасданоқ ариқча ўпирилиб кетди.

Очил ака Сафаров шу ўринда ҳақ гапни айтди. Чорминор супаларига ётқизилган ғиштлар ҳали фойдаланишга топширилмасданоқ титилиб, сочилиб турибди. Ҳовуз бирмунча тозаланган бўлса-да, ҳамон шу ҳолича ташлаб қўйилган. Гулзор учун мўлжалланган майдончалар ҳам турли қурилиш чиқиндилари билан кўмилиб ётибди. Бундан кўриниб турибдики, Чорминор мажмуасида амалга оширилаётган ишлар шошма-шошарлик билан бажарилган.

Лекин Бухоро тўйи арафасида бу ерда иш ўзгарди. Бир замонлар масжиду мадрасалар, ҳатто китоблар эскилик сарқити деб бузилиб, ёндириб ташланган. Ҳатто қўлида Қуръон ушлаган одамлар жазоланганлигини кўрганмиз. Аллоҳга шукурлар бўлсинким, мустақиллик шарофати билан ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган масжиду мадрасаларимизнинг эшиги очилди. Дину диёнатимиз яна ўзимизга қайтарилди.

Ҳ. ҚОБИЛОВ.

НАФИС САНЪАТ СОҲИБИ



Ўз касбини ардоқлаб бугунги кунда нафис санъати, ҳунари ва маҳорати билан эл орасида ҳурмат қозонаётган усталар анчагина. Ана шундайлардан бири уста Ибод Маҳмудовдир.

Ибод Маҳмудов 1957 йилда у уста Ширин Муродов номидаги илмий таъмирлаш устахонасига ишга келди. Ёш ўсмир ишини кузатаркан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган уста Очил Бобомуродов унга «Таъмирловчи устанинг иши худди заргарликка ўхшайди. Чунки нақшинкор тошлардан битта-сини сал ноўрин жойлаштирсанг, гулларинг бўҳшов чиқади. Шу боис эҳтиёткорлик ва қунт билан ишлашинг лозим» деб ўгит қиларди.

Тинимсиз изланиш, касбга нисбатан садоқати туфайли у тез орада корхонада «Таъмирловчи уста» деган ном олди. У таъмирлаган обидалар сифатлилиги билан ажралиб туради.

«От изини той босар» дейдилар. Таъмирлашни ипидан игнасигача ўрганиб олган Ибод ака кўп ўтмай ўғилларини ҳам бу ишга жалб қилди. Ўғли Илҳом ҳам ота изидан бориб, таъмирлаш ишларини мукаммал ўрганди.

Вилоятимизда бирор-бир тарихий ёдгорлик йўқки, унда уста Ибод меҳнати сингмаган бўлсин. Мир Араб мадрасаси, Абдулазизхон, Улуғбек мадрасалари, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи, Ғиждувондаги Хўжаи Жаҳон, Пешкудаги Хўжапешку мақбараси... Таъмирлаш жараёнида эса унга шогирдлари Худойқул Иллиев, Ризо Иқромовлар яқиндан ёрдамлашишади.

Айни пайтда Ибод ака Масжиди Калонда иш олиб бормоқда. Тобора чирой очаётган Масжиди Калон ҳуснига қараб устанинг ишига юксак баҳо берасиз ва тасаннолар айтгингиз келади.

Маннон ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигига бағишланган материалларни М. САФАРОВ, А. СОБИРОВ ва М. ОТАБОЙ тайёрладилар.

ЮБИЛЕЙ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон тарихи Давлат музейининг жамоаси «Қадимги Бухоро ва Хива ёдгорликлари» деган мавзуда кўргазма яратдилар. Бу ерда Неолит даврига оид машҳур Калтаминор маданиятининг тош қуроллари, Жез ва Неолит даврига оид Замонбобо ва Анқа-5 ёдгорликларидан олинган сопол буюмларни учратамиз. Унда хусусан Араб халифалигигача ўтган сулолаларнинг тангалари Сомонийлар, Қорахонийлар, Чиғатойлар, Темурийлар, Шайбонийлар даврига оид тангаларни кўп учратиш мумкин.

Салимжон АЪЗАМОВ.

Сафар БАРНОЕВ

БУ ЙЎЛЛАРДАН...

Бу йўллардан бобом ўтган туясини етаклаб,
Йўлин кесиб ёвшон учган, тикан учган чирпарак.
Момом ўтган тўзонлардан тоғларим етаклаб.
Оллоҳ бизга яхши қундан хабар бер деб, бер дарак
Бу йўллардан босқин ўтган, тошқин ўтган, сел ўтган.
Доно ўтган, ношуд ўтган, шошқин ўтган, эл ўтган.
Гоҳ ерликни осгин деган нидо ўтган, дард ўтган,
Гоҳ элини сотган номард, унга қарши мард ўтган.
Ўтган...
Ўтган...
Ўтганларнинг тақдирлари бир бозор.
Бир бозорки, эккан, унган, гоҳ совурган мисли кўл.
Боболарим босган изни қилмасин деб хору зор
Қай бир тоғим, ё амаким бунда бўлган қоровул.
Балки ростдир,
Балки ёлғон, гувоҳ отлар дунёри...
Бу дунёда бирорта ном ердан чиқмас кўкариб.
Мен бу ердан қачон ўтмай, қачон кетмай чалинар
Қулоғимга биз бор деган қоровуллар йўтали.
Сиз борсиз-ей,
Бор бўлдингиз, қонга туташ томирлар.
Яхши кунлар келгунича ёғди неча ёмғирлар.
Сиз босган из босилмади, ёзилмади ўзга от,
Қоровулбозор чиройини очди ақли комиллар.
Бу йўлларга туташ бўлар ҳали дунё йўллари,
Оллоҳ битта,
Ният битта, бир бутун ўзлигимиз.
Осмон қадар юксак бўлар Ўзбекистон қўллари,
Пок дастурхон, бутун иймон, бутундир сўзлигимиз.

АРК ҚЎРҒОНИ АСЛИГА ҚАЙТМОҚДА

Арк 20 метр тепалик устига бунёд этилган қўрғон бўлиб, майдони 4,2 гектарни ташкил этади. Арк эрамиздан аввалги иккинчи, учинчи асрда қурилган. У кўп марта таъмирланган. Араблар истилосига қадар Аркда шаҳар ҳокимлари, Бухорхудотлар яшаган.

Арк қўрғонининг бунёд этилиш тарихи ҳақида Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» илк хабарни беради. Сомонийлар даврида (IX-X асрлар) Арк қайтадан тикланган ҳамда қалин деворлар билан мустаҳкамланган.

Тарихий ёдгорликлар - халқ мулки, уни келгуси авлодга ўз холича етказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Бухоройи Шарифнинг 2500 йиллигига тайёргарлик ойларида Регистон майдонида жойлашган қадимий Арк қўрғонида ҳам кенг кўламда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бу ишда вилоятнинг ўндан ортиқ ташкилотлари фидойилик кўрсатди.

2-Бухоро вилоят қурилиш трести жамоасининг ғайрати билан Арк деворлари пишиқ ғиштдан тикланмоқда. Унинг Жанубий деворида таъмирлаш ишлари якунланди, «Бухородон» корхонаси билан ҳамкорликда юбилейгача Арк таъмирини тугатиш режалаштирилган.

Айни кунларда Шофиркон, Ғиждувон, Жондор, Бухоро, Вобкент туманлари, Когон ва Бухоро шаҳридан келган 200 дан ортиқ киши кечаю кундуз меҳнат қилмоқдалар.

Инсон тафаккури ақл-заковатнинг меваси, тарихимизнинг бебаҳо ёдгорлиги ҳисобланган Арк ҳадемай тўла таъмирдан чиқади.

Инобат ОЧИЛОВА.

Бугун ўзининг 25 асрлик тўйини нишонлаётган Бухорои Шарифда фарзандларга фахр ва ғурур бахш этадиган бир қатор табаррук қадамжоларни учратамиз.

ТАБАРРУК ҚАДАМЖОЛАР

Бу муқаддас гўшаларни етти иқлимдан келиб зиёрат қилишади. Масалан, Нақшбандий тариқати, Ибн Сино, Ф. Хўжаев, Фитрат ҳаёти ва фаолиятини ифодаловчи музейлар шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда вилоятда 18 та худди шундай музейлар ва экспозициялар мавжуд. 1997 йил 1 январь ҳолатида - Бухоро вилоятида музей фонди ва бўлимларида 92 минг 957 та экспонатлар бор эди. Яқинда қадимий Пайканд шаҳри ҳаробаларида олиб борилган археологик қазишма пайтида янги ноёб буюмлар топилди. Жумладан, ўқнинг учлари, X-XI асрларга оид пичоқлар, сиркор сопол буюмлар, ёзувли сопол парчалари, Темурийлар даврига оид тангалар, Европада ишланган соат... шулар сирасига киради.

О. МАННОН,
«Халқ сўзи» мухбири.

Битирувчи курс талабалари ва дипломли шахслар учун АҚШ университетлари аспирантурасида ўқиш имкониятлари

The 1998 Edmund S. Muskie Fellowship Program
The 1998 Freedom Support Act Graduate Fellowship Program
Opportunities for the graduate study in the USA

We are pleased to announce the 1998 Edmund S. Muskie Fellowship Program and the 1998 Freedom Support Act Graduate Fellowship Programs which provide grants to citizens of the NIS countries to stydy at the master''s level in the US for one two years. The Programs are funded and supervised by the United States Information Agency. Recruitment for the programs will be conducted by ACCELS, and the Open Society Institute/ Soros Foundation. These Fellowships offer the opportunity to pursue graduate study and the possibility of a professional affiliation in the following fields;

business administration, economics, education administration, journalism and mass communications,

law, library and infomation science, public administration (including public health), public policy

The Fellowship will provide financial assistance to individuals from a competitive pool of applicants from the countries listed above who lack sufficient funds to enroll in master''s level programs US institutions. Fellows will be enrolled in a US institution by the selection committees and administering orrganizations and may not select their host instiution8 During their term term of study, fellows must meet the academic standards and requirements of their US host institutions. Fellows may have to seek an eight to twelve-week summer internshep for practicalization8 Both degree non-degree fellowship programs are available.

Under the terms of the grant and laws governing the visa reqired for participation in the programs, Fellows must return to their home country immediately upon completion of the program for a period of at least two years. Fellows may not continue for PhD or other studies and are not eligible for extendeed practical training or employment in the United States8

Competition for the Fellowships is merit-based and open to any individual who meets the specific criteria. Canditdates may only apply in one fieid of study.Individuals who apply for more than one field of study or who apply for funding under both the Edmund S8 Vuskie and FSA Graduate Fellowship Programs will automatically be disqualified and neither application will be considered. Additionally, applicants must:

- *Lack sources of funding to study at a US intitution;*
- *be under the age of forty (40) at the time of application;*
- *hold an undergraduate degree (five-year program) with good academic standing by the start of the proposed academic proram in the United States;*
- *be proficient in spoken and written English at the time of application;*
- *be able to demonstrate profssional aptitude and leadership in their field of specialization; and*
- *be able to begin study in the United States in summer 1998.*

Participation in the Edmund S8 Muskie and the FSA Graduate Fellowship is contingent upon the the ability to receive and maintain a US J-1 visa

The complete list of eligibility requirements and selection criteria in the application8 Applications may be obtained in person or by writing to one of the representational offices or education centers below. Applications must be in English and must be retumed to one of the educational intormation centers or reresentational offices listed below by **November 14, 1997.** Late or incomplete applications will not be considered. For more information and application forms please contact:

- ACCELS Main Office: 16-A Lakhuty St. 7 th floor, Suite 716, Tel.: (3712) 56-55-47
- ACCELS EIC: 80 Uzbekistan Avenue, 2 nd floor, Suite 203, Tel.: (3712) 45-80-56
- ACCELS Namangan: 4 Mashrab St. 4 th floor, Tel.: (36922) 6 27 50, 6 19 19
- ACCELS Samarkand: 15 Universitet Boulevard, Dept. of Quantum Electronics, Tel.: (3662) 35 02 74
- ACCELS Buhara: B. Nakshbandi St. Art Museum Building, Tel.: (3652) 24 22 46

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ишдан ажралган ҳолда 1997 йилга қуйидаги мутахассисликлар бўйича аспирантура ва докторантурага ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

АСПИРАНТУРА
1. 08.00.01. Иқтисодий назария
2. 08.00.13. Маркетинг
3. 09.00.10. Сиёсат фалсафаси
4. 23.00.02. Сиёсий институтлар ва жараёнлар
5. 10.01.06. Хорижий халқлар адабиёти
6. 12.00.02. Давлат ҳуқуқи ва бошқарув, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи.

ДОКТОРАНТУРА
1. 08.00.01. Иқтисодий назария
2. 08.00.05. Менежмент
3. 08.00.13. Маркетинг
4. 12.00.02. Давлат ҳуқуқи ва бошқарув, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи.

Ҳужжатлар 25 октябргача қабул қилинади.
Маълумот учун телефонлар: **45-72-67, 45-70-53.**

Бизнинг манзилгоҳимиз:
Ўзбекистон шоҳкўчаси-45, 12-қават, 1210 хона.

ВРАЧЛАР УЧУН АХБОРОТ

АПЗОН

- ЖКТ касалликларига танлаб таъсир этадиган восита;
- кенг спектрли резистентга ўрин қолмайди;
- ичакларнинг нормал ҳолатини бузмайди;
- ЖКТ бўшлиқларида тўпланади.

5-10 кун давомида кунига 4 марта 1 таблеткадан

1 суркам аптекада фарма-лиситер

Реклама ва ахборотлар Тел.: 136-09-25

«ПГС» ФИРМАСИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

КИЧИК НОВВОЙХОНАЛАР (4 ХИЛДАГИ),

САУНА УЧУН УСКУНАЛАР,

САНОАТ ЭЛЕКТРО-ПЛИТАЛАРИ,

ГРИЛЬ, ХОТ-ДОГ УЧУН МОСЛАМАЛАР.

Томат пастаси харид қиламиз.

Тел.: (3712) 79-14-29, 79-38-54.
"С. Рахимов" метро бекати.

143 шз D

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиуми, Илмий кадрлар бошқармаси ва ЎзР ФА Касаба уюшмаси ташкилоти ЎзР ФА Президиуми Илмий кадрлар бошқармасининг масъул ходимаси А. Хўжамбердиевага отаси **Абдураим Пирмат ўғли ХЎЖАМБЕРДИЕВнинг** вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-банки» Бошқаруви Бухоро вилоят филиали бошлиғи Валерий Холовга падари бузруквори **Ҳазратқул ХОЛОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Хатлар 136-29-89;
136-55-39;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-37-85;
Иқтисодиёт 136-36-65, 136-07-94;
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Тунги муҳарририят 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0670, 34.126 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета ІВМ компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров.
Навбатчи — Н. Шоиназов.
Мусаҳҳих — Ш. Режанов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6